

Конституция билимдони

2019 йилнинг 16 декабрь куни "Қишлоқ ва сув хўжалигининг энергия таъминоти" факультетида талаба ёшлар ўртасида конституция тарғибот ойлиги муносабати билан "Конституция билимдони" кўрик-танлови ўтказилди. Мазкур танловдан кўзланган мақсад Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш орқали ёшларнинг сиёсий-хуқуқий билимини ошириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллигини таъминлашдан иборатdir. Танловнинг савол-жавоб шартида иштирокчилар Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига доир билим ва тушунчаларини синовдан ўтказди. ТЖИЧАБ йўналиши 307-гуруҳ талабаси Турдиев Турсунпулат 1 - ўринни, ТЖИЧАБ йўналиши 307-гуруҳ талабаси Исмоилов Шерзод 2 - ўринни, ТЖИЧАБ йўналиши 307-гуруҳ талабаси Алибоев Сардор ТЖИЧАБ 3 - ўринни эгаллашди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



**"Қишлоқ ва сув хўжалигини энергия таъминоти" факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича
декан ўринбосари А.Ботиров ахбороти**

Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов